

## Ибратли муҳаббат



18:10 / 27.02.2019 4553

Ҳаж ибодатига борган бир мусофир киши кўчадан 25 000 АҚШ доллари миқдоридоги пулни топиб олибди. Пулнинг эгасини топиш мақсадида, оммавий ахборот воситаларига эълон берибди, танишлардан сўраб-суриштирибди, лекин ҳарчанд уринмасин уйига қайтгунича пулнинг эгаси топилмабди.

Юртига қайтгач ҳам сўраб-суриштиришда давом этибди. Интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали эълонлар берибди, аммо бу ҳам фойда бермабди. Орадан бир йил ўтгач топилган пулни ўзи учун сарфлашни ҳаром деб билган бу киши, рафиқаси билан маслаҳатлашиб, пулнинг ҳаммасини бева-бечора ва камбағалларга тарқатиб юборибди.

Орадан кўп ўтмай уйига икки йигит келиб, топиб олинган 25 000 АҚШ долларнинг эгаси эканликларини айтишибди ва пулни қайтаришини сўрашибди. Буни эшитган ҳалиги киши нима қилишини билмай, тўғриси айтса, улар ишонмасликларидан қўрқиб, Аллоҳга таваккал қилиб, эртага келишларини илтимос қилибди.

Ўша куни туни билан ибодат қилиб, Аллоҳдан уни бу ҳижолатли ҳолатдан қутқаришини сўраб, йиғлаб дуолар қилибди. Тонга яқин чарчаб, кўзи уйқуга кетиб қолибди. Туш кўрибди. Тушида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга қараб:

– Хафа бўлма эй умматим, сен қўшни шаҳардаги Абдуллоҳ исмли кишини топ ва ундан ёрдам сўра. У саховатли бойлардан, сенга албатта ёрдам беради ва яна унга шуни айтгин-ки, у менинг чин умматимдир, у менга ҳар куни тонгда юз мартаба саловат айтишни ўзига одат қилиб олган, – дебдилар.

Тонгда туриб, қўшни шаҳарга бориб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтган манзилдан Абдуллоҳнинг хонадонини топиб, уни чақирибди ва ичкарига киришга изн сўрабди. Ичкарига киргач, у билан саломлашиб:

– Мени сизнинг олдингизга Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам жўнатдилар, – деб, бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб берибди.

– Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар, сиз у зотнинг чин уммати экансиз ва ҳар тонгда у зотга юз мартаба саловат айтар экансиз, – дебди.

Буни эшитган Абдуллоҳ ҳўнг-ҳўнг йиғлаб:

– Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтган одам сиз экансиз-да, кеча менинг ҳам тушимга кириб, сизнинг келишингизни айтган эдилар, сизни кутиб турган эдим, – дебди.

Икковлари бир-бирларини қучоқлаб, бўлиб ўтган воқеадан таъсирланиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари қалбларида жўш уриб, ҳўнг-ҳўнг йиғлабдилар. Сўнг Абдуллоҳ уйидан 50 000 АҚШ доллари олиб чиқиб:

– Мана шу пулнинг ҳаммасини олинг. Ярми топиб олган пулингизни қайтариш учун, ярми эса Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатингиз учун сизга ҳадя, – дебди.

Ҳалиги киши пулни олиб уйига қайтибди. Келишилганидек пулнинг эгалари келишибди. У киши пулни қайтара туриб, йиғлаб-йиғлаб уларга бўлган воқеани айтиб берибди. Улар ҳам бўлган воқеадан таъсирланиб, пулни олишдан воз кечишибди. Улар ҳам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатингиз учун деб, пулни у кишига ҳадя қилиб юборишибди.

***Islom.uz портали таҳририяти***